O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 6 MART ◆ SESHANBA ◆ № 29 (26.731)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИГА ТУҲФАСИ

Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида катта шодиёна. Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси — Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусҳафи Шариф университет талабаларига сақлаш учун тақдим этилди.

Мазкур ҳадя рамзий маънога эга бўлиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқининг миллий қадриятларимизни қайта тиклашга, дунё илми, маданиятини тебратган буюк алломаларимиз хотирасини эъзозлашга, уларнинг ўлмас ғояларини ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қолдиришга қаратилган хайрли ишлар эътирофини англатади.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини кенг тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бебаҳо туҳфа — Мусҳафи Шарифнинг Тунис давлати томонидан тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган эҳтиром ҳамда Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни бутун мусулмон олами қайтадан тан олаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент ислом университетида талабалар дунё динлари, диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори-атиқаларни тўплаш ва илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз саволларига қониқарли жавоблар олди.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ислом аҳкомларини янада кенг ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Туҳфани қабул қила туриб, университет талабалари ёшларга доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимизга ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

■ (ЎзА)

Юзларда, кўзларда, ўлкамда баҳор!

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хайр ва саховат байрами бўлмиш муборак Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайитининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Аллоҳ таборака ва таолодан бу қутлуғ айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, дўст халқингизга ва мусулмон умматига хайру баракот ато этишини тилаб қоламан.

Айёмингиз муборак бўлсин.

Муҳаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ҳамда ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамиша омонлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятларимни йўллайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Гужаратдаги кўплаб қурбонларга сабаб бўлган ва катта вайронагарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдардлигингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман. Ушбу табиий офат қурбонлари ҳақидаги самимий сўзларингиз ва Ўзбекистон халқи ҳамда ҳукуматининг сахийлик билан кўрсатган ёрдами бизни тўлқинлантириб юборди.

Зилзила катта қўламдаги вайронагарчиликка сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун тезкор чоралар кўрилмоқда ва кенг миқёсли тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Атал Биҳари ВАЖПАИ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ДИЛ ВА ТИЛ БИРЛИГИ

Фозилжон СОБИРОВ,
Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум азиз юртдошлар!

Мана ўн йилдирки, мустақиллик шарофати билан ҳайит айёмларини халқимиз байрамона нишонламоқда. Мустабид замонда бундай айёмларга йўл бўлсин эди. Ўша замонларда ҳам виждон эркинлиги ҳақида сафсата сотиларди. Лекин амалда... Ҳайит намозлари, умуман мачитларга бориш эмин-эркин-масди. Таъқиб кучли эди. Ҳатто никоҳ ўқитиш, жанозага боришга йўл берилмаган. Фарзанд падари ё модарини сўнгги йўлга кузатолмай қолганди. Ҳа, гап кўп. Шунинг учун азизлар, ўзлигимизни англаган, қадриятларимиз тикланган кунлар учун, келажаги буюк эзгулик учун шукроналар айтайлик.

Ҳақиқий виждон эркинлигини ҳис этиб турибмиз. Ҳайит айёмлари, ўша азиз «Наврўз» каби қадр топиб, дастлабки кунини дам олиб, байрам қилишимизнинг баҳоси борми. Боболаримиз руҳи шод бўлди. Айниқса, Қурбон ҳайити кунларида одамларимиз ҳаж сафарларини ўташларига изн берилиши саодат эмасми? Ахир, истиқлолгача ҳаж ё умра сафари ҳақида ўйлаб бўлармиди? Ота-боболаримиз армон билан ўтишдилар. Мустақиллик туфайли ҳар йили қарийб 4 мингга яқин киши бундай қутлуғ сафардан баҳраманд бўлишга имкон топиб турибди. Шу кунларда эса юртдошларимиз барча дуолар мустажоб бўладиган Арофат тоғида ниятлар қилиб, шукроналик билан азиз ватанларини офату балолардан асрашни, хонадонларга файз-баракот, барқарорликнинг бардавомлигини, юртимизнинг тинч-осойишта, халқимизни фаровон ҳаёт кечиришини, ҳар қандай саъй-ҳаракатлар раҳнамоси Президентимизга омонлик тилаб дуолар қилишмоқда. Умуман, бугун ҳар бир мўмин-мусулмон эзгулик билан фотиҳага қўл очиб, чин дилдан ниятлар қилади.

Бундай улуғ неъматнинг қадрига етиш керак. Биз диний эмас, дунёвий тараққиётни танлаганмиз. Виждон эркинлиги эса ҳар кимнинг эътиқодига боғлиқ. Камина 25 йилдан бери дин ишлари билан машғул. Шундан ўн йили кўнглим ёришган йиллар десам бўлади. Кўрган тазйиқларим ҳақида гапирмай қўяқолай. Ҳатто мачитларга арабча ёзиб қўйишга йўл берилмасди. Ҳайтовур, зўрмазўраки эътиқод виждонимизни бузолмади. Имонимизга путур етказа олмади. Юртимизда 160 минг азиз-авлиё ўтган. Уларнинг хоки шу ерда, руҳи бизга мададкор.

Бир замонлар бор-йўғи 80 та мачитга эга эдик, холос. Улар ҳам қаровсиз, хароба эди. Мана энди қарийб 2 минг мачитнинг эшиклари очиқ, уларда барча шароитлар муҳайё. Азизлар, шундай бир улуғ кунда юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, балоқазолардан асрасин дегим келади. Ишчи-деҳқонларга барокот берсин, ҳар инсон эзгуниятларига етсин, маънавиятимиз янада бойисин. Ёшларнинг танлари соғ бўлиб, ватан ва халқ ишига камарбаста бўлиб, илм-ҳунар соҳиби бўлишсин. Мустақиллигимиз янада мустаҳкамланиб бораверсин. Омин.

ЁШЛАРГА УМИД БОҒЛАБ

«Мустақиллик кубоги» — Гран-при мусобақаси якунланди

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Юртбошимизнинг бу сўзларида келажаги буюк давлатимизнинг тақдири сўзсиз ёшлар қўлида бўлиши ўзига хос ифодасини топган. Зеро, ёшликни спортсиз тасаввур қилиб бўлмас. Шу жиҳатдан қараганда, пойтахтимизда икки кун давом этган «Мустақиллик кубоги» учун кураш беллашувлари ана шу эзгу тилакларга уйғунлашиб кетди. Гап шундаки, мусобақа ташкилотчилари совриндорлик баҳсида майдонга кўпроқ ёшларни тушириб, уларнинг имкониятларини кўздан кечиришга эътиборни қаратдилар.

«Юнусобод» спорт саройи дам олиш кунлари ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерда юзлаб полвонлар ўртасида 400 га яқин беллашув бўлиб ўтди. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари байрамона тус олди. Меҳмонлар кўнглини олиш ҳам ўрнига қўйилди. Хусусан, меҳмон бўлиб келган мутасадди-мутахассисларга зарбоф тўн кийгизилиши ҳам ўзига хос манзара касб этди. Мусобақа юқори савияда ташкил қилинди. Бунинг эътирофи сифатида Грузия кураш федерацияси Ўзбекистон эркин кураш федерацияси президенти С. Абдувалиевга соврин-шамшир, таниқли полвон Александр Медвед эсдалик кубогини топширди.

Мухлислар Зоҳиджон Қосимбеков, Марат Исоқов, Баҳодир Қурбонов, Жаҳонгир Муродов, Шерзод Абдувалиев, Нодир Қосимов, Аслиддин Худойбердиев, Бахтиёр Сайфиев, Зиёдулла Абдуллаев, Зафар Ғофуров, Бахтиёр Имонов, Изатулла Жабборов каби ўнлаб иқтидорли ёшлар борлигидан мамнуният ҳосил қилдилар. Албатта, совринли ўринлар тақдирини номдор ва тажрибали полвонлар ҳал қилишди. Хусусан, эркин кураш бўйича хизмат кўрсатган спорт устаси Дамир Захариддиновнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. У финалда белорус Александр Каплинский билан беллашди. Дамирнинг машҳур Фадзаевга ўхшаш усулни қўллаб, рақибига шиддат билан ташланиши ўз самарасини берди. У 3:1 ҳисобида зафар қучиб, ғолиблик супасига кўтарилди.

Юнон-рум кураши бўйича беллашувни финалгача етказган Дилшод Орипов ҳам ажойиб ғалабага эришди. У қирғизистонлик Исомиддин Умурзоқовни икки марта даст кўтариб, айланма ҳаракатлар билан гиламга урдики, ортиқча ҳаракатларга ўрин қолмади. Дилшод 11:0 ҳисобида соф ғалабага эришди. Евгений Ерофайлов ҳам олтин медалларимиз сонини биттага кўпайтирди. Шунингдек, юнон-рум курашчилари эришган 3 та олтиндан бирини яна бир вакилимиз Руслан Биктяков қўлга киритди. Жумладан, Дилшод Мансуров билан Аслан Санакоевлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди. Озарбойжонлик Елма Аскерев, грузиялик Давид Лежава, Ревас Миндарашвили, Элдар Куртавидзе, Мириан Грордандзе, россиялик Александр Безручкин, Игорь Чучумов, қирғиз Юран Калиловлар ҳам олтин медалли бўлишди. Шундай қилиб, эркин ва юнон-рум курашчилари бўлажак йирик баҳслар олдидан ўзига хос синовдан ўтдилар. Ўзбекистон ёшлари эса бўлажак жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрадилар.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

***

Абдулғани ЖУМА олган суратлар

Александр МЕДВЕД — *эркин кураш бўйича уч марта олимпиада, етти марта жаҳон чемпиони:*

— Шарқ машъали Тошкентнинг ўзига хос оҳанрабоси бор, дегим келади. Зеро, хаёлимда очиқ чеҳрали, меҳмондўст одамлар намоён. Мана, «Мустақиллик кубоги» муносабати билан Тошкентни кўриш яна насиб этди. Эътироф этишим керак, истиқлол йиллари шаҳар ниҳоятда ўзгариб, ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб кенгайибди. Айниқса, спортга бўлган эътиборнинг кучайгани мени мамнун этди. Бунёд этилган спорт кошоналари халқаро андозаларга мослиги билан кишини ҳайратга солади. Ўйлайманки, Тошкент яқин келажакда спорт мусобақалари ўтказиладиган йирик марказлардан бири бўлиб қолади.

Рафаэл МАРТИНЕТИ — *ФИЛА вице-президенти:*

— Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, моҳир йигит-қизлар сафини кенгайтиришга давлат аҳамияти берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбек халқи спортга ошуфта. Айниқса, курашни жуда ёқтиради. Шунинг учун ҳам ўзбек кураши халқаро мақом олди, довруғи ошиб бормоқда. «Мустақиллик кубоги» учун юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўтказилаётган беллашувларга Гран-при мақомининг берилиши эса бу мусобақанинг халқаро нуфузи ортиб бораётганидан нишона. Мусобақани ташкил қилиш, спортчиларга шароит яратиш жиҳатдан шу туркумдаги баҳслардан «Мустақиллик кубоги»нинг ажралиб тургани учун ҳам Тошкентда Осиё чемпионати ўтказилди. Энди ёз ойларида ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлади. Ўйлайманки, яқин келажакда катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати ўтказишга имкон яратилади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қутлуғ Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини табриклайман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига фаровонлик ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бутун мусулмон уммати муборак Қурбон ҳайитини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Малдив Республикаси ҳукумати ва халқининг қутловлари ҳамда ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ушбу қувончли кунда Қодир Аллоҳ барча ислом умматига тинчлик ва бирдамлик, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингизга эса улкан тараққиёт ва доимий фаровонлик ато этсин.

Маъмун АБДУЛҚАЮМ,
Малдив Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Фидойилик ва қурбонлик байрами — муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Фаластин халқи ва раҳбарияти ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қизғин табрикларимизни йўллашдан бағоят хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт, биродар халқингиз ва мамлакатингизга эса бундан буён ҳам тараққиёт, ривож ва фаровонлик сари боришни тилайман.

Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Мухторияти раиси,
Фаластин озодлик ташкилоти раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Ислом уммати нишонлаётган муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим, эзгу ниятларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу муборак байрамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса равнақ, фаровонлик ва тараққиёт ато этсин.

Ушбу айёмда Аллоҳдан ислом умматимизга осойишталик, ҳуррият ва ҳамфикрлик сўрайман.

Президент Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

«ШАРҚ ГУЛИ» ЖИЛОЛАНГАНДА

Пойтахтдаги «Шарқ гули» акциядорлик жамияти нуфузли корхоналардан бири. Бу ерда кўзни қувонтирадиган палак, гул кўрпа, чойшаб, сўзана, келин-куёвлар учун уй безаклари каби ўзбек миллий ҳунармандчилиги намуналари ишлаб чиқарилмоқда.

Жамиятда асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Ушбу жамоанинг якдиллик билан ишлаши яхши самара бермоқда. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Айни чоғда қўли гул, моҳир чеварлар «Наврўз» байрамига совға сифатида ажойиб зар чопонлар, елпиғич ва турли ғилофлар тайёрламоқдалар. 2001 йилнинг ўтган икки ойида жамиятда 1 миллион 200 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, бу йил 30 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Суратларда: «Шарқ гули» акциядорлик жамиятининг ёш зардўзи Ақида Аҳророва; палак тикиш цехида.

■ **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

АРМОННИНГ ДАВОСИ БОР

Бефарзандлик дардми, армонми, бепуштлик бедавоми? Айтинг-чи, уч-беш яшар гўдагингизни қачон андролог мутахассисларга кўрикка олиб боргансиз? Умуман, андролог мутахассислиги ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Биз ориятлимиз. Боламизни гўдаклигидаёқ шундай мутахассисга етаклаб боришга ийманамиз, истиҳола қиламиз. Йўқ, аслида сал лоқайдмиз.

Очиғи, кейинги пайтда андрологлар бодраб кетган. Кўчаларда эълонлар ғиж-ғиж. «Импотенцияни 100 фоиз даволайман». Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Жинсий заифлик, бепуштликни 100 фоиз даволаб бўладими? Аслида республикамизда махсус андролог мутахассислар бармоқ билан санарли.

Биринчи бўлиб андрологияга қўл урган олим Неъмат Худойбердиев бўлади. У 1940 йилда Фарғона вилоятининг Данғара туманида туғилган. Оилали. Умр йўлдоши Тожихон опа биолог, 4 фарзанди бор. Илмий даражаси — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Илмий изланиши: 1986-1989 йилларда Украинанинг Киев шаҳридаги Уринология илмий-тадқиқот институтида докторантурада бўлиб, бефарзандлик, жинсий муаммолар, простатит касалликлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 1980 йилда тиббиёт фанлари доктори унвонини ҳимоя қилган. Мутахассислиги — андролог-гинеколог. Махсус фаолияти: 1995 йилда Тошкентдаги «Турон» санаторийсида андрология-гинекология бўлимини ташкил этди. Беш йил амалий тажриба ва кўникма ҳосил қилгач, 2000 йилнинг январь ойида простатит, бефарзандлик ва жинсий муаммоларни даволашга ихтисослашган «Соғлом авлод учун» хусусий клиникасини ташкил қилди.

— Неъмат Аҳмедович, айтинг-чи, биз ота-оналар қачон андрологга мурожаат қилишимиз керак? Фарзандимиз ёки ўзимиз соппа-соғ бўла туриб андролог кўригига ҳожат борми?

— Аввало андролог сўзининг луғавий маъноси ҳақида тўхталсам. «Андрус» юнонча сўз бўлиб, эркак, «логус» — «фан» маъносини англатади, яъни эркаклар ҳақидаги фандир. Бизнинг хатоимиз шундаки, соппа-соғ одам ёки бола андрологга бориши шартмикан, деб фикрлаймиз. Баъзан никоҳ оқшомидаёқ, келин-куёвлар орасида совуқчилик бошланади. Ёки орадан 4-5 ой ўтади, келинимизнинг бўйида бўлмаяпти, қизимиз ҳомила кўтармаяпти, деб гинекологга югурамиз. Баъзида кеч бўлади. Андролог ҳақида эса умуман ўйламаймиз. Билмаймиз ҳам. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, андрология соҳаси бизда истиқлолдан кейин шакллана бошлади. Эндигина ривожланаётган соҳа. Айтиш жоизки, фарзандини гўдаклигида, нари борса уч-беш ёшидаёқ андролог-гинеколог кўригидан ўтказиш керак. Бепуштликни ўғил болаларда 5-8 ёшлигидаёқ аниқлаш мумкин. Бефарзандлик болаликда ўтказадиган, биз учун оддийгина туюладиган хасталикларга ҳам боғлиқ. Ўғил болаларда кўпда сезилавермайдиган тухумдонларнинг «яширинiш» — тепада жойлашишини оддий гинеколог пайқамаслиги, ота-она эса эътиборсизлик туфайли аҳамият бермаслиги мумкин. 8-10 ёшгача бу касалликни бемалол жарроҳлик усулисиз ҳам даволаса бўлади. 10 ёшлардан кейин эса жарроҳлик йўли билан даволанади. Айрим ҳолларда йигитлар оилалик бўлгач, ёрдам сўраб келишади. Бундай ҳолатларда жарроҳлик усули ҳам 100 фоиз ижобий натижа беради, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Ёки оддийгина қулоқ ости бези — тепки касаллигини олинг. Ўғил болаларда тепки касаллигининг вируси уруғ ҳужайраларини осонгина ўлдиради. Тепкини махсус шифокор даволаши мумкин. Шу ўринда бола албатта андролог назоратидан ўтиши шарт. Чунки жинсий безлар шишмайди. Қиз болаларда ҳам айнан ана шундай бўлиши мумкин. Простатит безлари касалликлари, бепуштлик 70 фоиз ҳолатларда бутунлай тузалади. Албатта, туғма, наслий касалликлардан пайдо бўлган бепуштлик бедаво. Шу ўринда мен қизларни, келинларни, ҳомиладор аёлни барча хасталиклардан асраш кераклигини қайта-қайта таъкидлайман. Оддий мисол, бош қоронғулик деймиз. Ҳомиладор аёлнинг организмида қайси модда етишмаса ўшанга талаб кучаяди. Кесак ейди. Демак, ҳомиладор аёлга темир моддаси керак. Унутманг, «ҳомиладор аёл истаса жимжилоғингни кесиб бер» деган халқ ибораси шундан келиб чиққан. Ҳомиладор аёл кўнгли тусаганини ейиши шарт. Йўқса, бундай оналардан нимжон, жинсий ҳаталикларга чалинган фарзанд туғилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бепуштлик кўп ҳолатларда оддийгина касалликлардан келиб чиқади.

— «Импотенцияни 100 фоиз даволайман» дея кафолат бераётган андролог-гинекологларнинг кафолатини қандай изоҳлаш мумкин? Нима, улар бизни алдашяптими?

— Алдашяпти. Яна такрор айтаман, 100 фоиз ҳеч ким кафолат бера олмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимининг бironта андролог-гинекологи шу фикрни тасдиқламаган. Жаҳон тиббиётида бундай факт кузатилмаган. Хонаси келиб қолди, айтай. Мен шу соҳани эгаллашдан олдин дунё тиббиёт тизимида яратилган 10 мингта адабиёт борлигини билгандим. Шу 10 минг илмий қўлланмалар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдим. Сиз айтаётган андрологлар, биринчидан, махсус мутахассис эмас. Ўзингиз ўйланг, тиббиёт фанлари докторининг дипломига у андрологми, терапевтми, руҳшуносми, анатомиядан илмий иш қилганми, барига битта — тиббиёт фанлари доктори деб ёзилган. Анатомия — «ўликлар» устида илмий иш олиб борган мутахассис қандай қилиб «тириклар»ни дарддан фориғ қилсин? Яна юз фоиз-а! Сиз айтган «андрологлар» аслида «чала мулла» мутахассислар. Жаҳон тиббиётчилик тажрибасидан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, хорижда андролог мутахассис камида беш йил иш тажрибасига эга бўлмаса клиника очиш ҳуқуқига эга эмас. Талаб жуда тўғри. Баъзилари эса икки-учта адабиётни наридан-бери ўқиб «андрологман» деб беморларни қабул қилаяпти. Оқибатда эса баъзи беморлар нотўғри даволаниш оқибатида бор имкониятларидан ҳам айрилиб қолаяпти. Сизга оғир бўлса ҳам айтай, аҳволнинг шу даражага етишига реклама, хусусий эълонлар ҳам сабаб бўлаяпти. Тиббиётни шоу-бизнесга айлантириш бориб турган маънавий жиноятдир. Бундай салбий ҳолатни тугатиш пайти келди, чоғи. Йўқса эртага кеч бўлади.

Бефарзандлик, простатит касалликлари ўта нозик, мураккаб, инжиқ хасталикдир. Нўноқ мутахассиснинг «озгина» хатоси беморнинг умр бўйи армон билан ўтишига олиб келади.

— Шаҳарда-ку озмиқўпми шундай андролог-гинекологлар бор. Вилоятларда-чи? Ўйлайманки, вилоятларда аҳвол бироз... Аҳволни ўнглаш учун имкониятлар борми?

— Очиғи вилоятларда мутахассис жуда кам. Тўғри, гинеколог врачлар икки ойлик курсларда андрологияни ўрганишаяпти. Лекин у икки ойда етарли билим ва тажрибага эга бўлолмайди. Хорижий давлатларда тиббиёт институтларида махсус андрология кафедралари бор. Айниқса, андрология билан махсус шуғулланувчи илмий-текшириш институтларининг иш тажрибасини ўрганиш вақти келди. Инсон борки раҳбарми, оддий ишчими кўнглида эзгуликка интиқлик билан яшайди. Бир устозимнинг ўгитини доим эсда тутаман. «Андрология соҳасида (МДҲ давлатлари ичида) «Москва мактаби», «Киев мактаби» бор. Ишонаман, учинчи бўлиб «Тошкент мактаби» бўлади. Чунки халқингиз болани жондан ортиқ кўргувчи халқдир. Улар албатта андрологга бўлган талабларини, андрологияни ривожлантириш билан ҳал этадилар», деган эди. Дарҳақиқат «Тошкент мактаби» бўлишига ишонаман. Чунки ҳукуматимиз соғлом авлод учун катта аҳамият бераяпти, имкониятлар яратаяпти. Андрология — соғлом бола, баркамол авлод дегани.

Бепуштлик, жинсий заифлик инсон тақдири, ғурури билан бевосита боғлиқдир. Бундай касалликни бизнесга айлантириш одам устида савдо қилиш билан баравар. Бепуштлик — дард, бепуштлик — армон. Кўнглида дарди бор инсон ҳузуримга нажот истаб келганда кўпроқ унинг кўнглига, ҳа, кўнглига йўл излайман. Унинг кўнглидаги ишонч, кўзларидаги умид дардига малҳам бўлишга чорлайди.

Армон дардининг давоси вақтида даволанишда.

■ **Саида САЙХУН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЙЎЛСОЗЛАР ШИЖОАТИ

Чироқчи тумани «Автомобилйўллари» бошқармаси ишчи-хизматчилари ўз зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этиб келмоқдалар. Йўлсозларнинг фидокорона меҳнатлари ўлароқ кейинги йилларда туман йўллари бирмунча текис, равон тус олди.

Ҳа, қаерда иш яхши йўлга қўйилса, тартиб-интизом бўлса, ўша жойда ишнинг унуми бор. Мавжуд учта йўл бўлимининг барчасида кеча-кундуз навбатчилик ташкил этилган. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун вақти-вақти билан мукофотлар, арзонлашган нархда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

— Бошқарма назоратида 321 км. узунликдаги умумфойдаланувдаги йўл мавжуд, — дейди туман «Автомобилйўллари» бошқармаси бошлиғи Юсуф Муҳаммадиев, — 2000 йилда 100 км.га яқин йўлни сифатли қайта таъмирладик. Бу борада Олий Мажлис депутати, «Қашқадарёавтойўл» бошқармаси бошлиғи Қурбон Панжиевнинг кўрсатган ёрдамлари катта бўлди. Қолаверса, жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз масъулиятини юракдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили вилоятдаги туманлар орасида кўрсаткичларимиз учинчи ўринга муносиб топилиб, замонавий компьютер билан тақдирландик.

■ **Абдурасул ПАРДАЕВ**

ХДП ХАБАРИ

«АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР»

Шу мавзуга бағишланган тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг истиқлол туфайли ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганлиги, мамлакатимизда жорий йил «Она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ХДП ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ва мўлжалланган тадбирлар тўғрисида сўзлади. Учрашув иштирокчилари, «Аёлларни ташвишлантираётган энг катта муаммо нима?» саволини ўртага ташлаб, унга атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Тадбирда партия фаоллари, зиёлилар вакиллари иштирок этдилар. Истеъдодли шоиралар Замира Эгамбердиева, Хосият Рустамовалар ўқиган шеърлар қатнашчиларга манзур бўлди.

Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова, жозибали раққоса Нигина Нигматова, хушовоз хонанда Шуҳрат Воҳидовлар мафтункор куй-қўшиқлари ва бетакрор рақслари билан учрашувга файз бағишладилар.

■ **Нигора ЎРОЛОВА,**
таҳририят қошидаги «Қаламкаш» тингловчиси

«ЎТМИШИНГИЗ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?»

Қорақалпоғистонлик радио тингловчи ёшлар орасида «Ўтмишингиз ҳақида нималарни биласиз?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилган эди. Савицкий номидаги санъат музейи билан Қорақалпоғистон радиосининг «Ёшлар» канали томонидан ташкил қилинган ушбу танлов халқимизнинг миллий қадриятлари —каштачилик, тикувчилик, тўқимачилик ва миллий либосларимизга оид саволлардан тузилган эди.

Яқинда санъат музейида танлов ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Унинг якунига кўра, Нукус шаҳридан Бахарғугул Бекмуратова биринчи, Муҳаббат Тлеуимбетова иккинчи ва Мўйноқ туманидан Турганбой Ўринбоевлар учинчи ўринни эгаллашиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Мусобақани ташкил этишдан мақсадимиз ёшларимизнинг онгига миллий қадриятларимизни чуқурроқ сингдиришдан иборат, — деди музей ходими Феруза Утеудиева.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

МАҲАЛЛА МАКТАБ БЎЛСИН

— Ҳар бир инсон маҳаллада шаклланади. Шундай экан, инсоннинг улғайишида маҳалланинг роли катта, — дейди пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Умид» маҳалласи раиси Жуманиёз Собиров. — Маҳалла билан боғлиқ бўлган 15 йиллик иш фаолиятимда юқоридаги фикрга тўла амин бўлдим. «Умид» маҳалласида 960 хонадон бўлиб, тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Айрим ёшларимизнинг ҳар хил гурух ёки оқимларга аралашиб қолиши, гиёҳвандлик, ўғирлик каби жиноятлар содир қилиши у яшайдиган маҳалла аъзоларининг бепарволигидандир.

Биз маҳалламизда ёшлар тарбиясига эътибор бериш масъулиятини асосан нуронийларимиз зиммасига юклаганмиз. Мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шакллангач, бевосита маҳаллалар билан ҳам яқиндан алоқада бўлиб турса фойдадан холи бўлмасди.

Тўйлар ва маъракаларни замон талабига мос ихчамлаштириш ҳам тарбия воситасидир. Бундан ташқари ободонлаштириш, маданий-маърифий ишларни йўлга қўймоқдамиз. Бу хайрли ишларимизда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси яқиндан ёрдам беряпти. Жумладан, маҳаллаларда ҳар хил тўгараклар, спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси, албатта, маърифий аҳамиятга эга.

Шунингдек, маҳаллада кутубхона ташкил қилдик. «Ўзбекистон овози», «Тошкент оқшоми», «Маҳалла», «Оила ва жамият», «Туркистон», «Саодат» каби газета-журналларга обуна бўлганмиз. Китоб ўқийдиган бола эртага жамият учун керакли фуқаро бўлиб улғаяжак.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ тайёрлади**

КОГОНДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Аср бошида когонлик ёшлар янги билим масканига эга бўлдилар. «Зарафшон» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи тантанали очилди. Бу ерда когонлик 600 ўқувчи мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ҳисобчиси каби касбларни ўрганадилар. Эътиборли томони шундаки, ушбу маскан Япония халқаро ҳамкорлик банки лойиҳасига киритилган бўлиб, жорий йилдан бошлаб шу банк кредитлари ҳисобидан ўқув устахоналари техника ва тегишли ускуналар билан таъминланади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИНТИЛГАН ҲЕЧ ҚАЧОН ЮТҚАЗМАЙДИ

— дейди «Самарқандгеология» корхонасига қарашли Зарафшон кон қидирув экспедицияси раҳбари Абдураҳмон Абдумуталов

— Мустақиллик йиллари барча ижтимоий соҳалар қатори геология соҳасида ҳам ўзига хос юксалиш даври бўлди. Буни Зарафшон кон қидирув экспедицияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу экспедиция «Самарқандгеология» корхонасининг етакчи ва энг катта экспедицияларидан бири бўлиб, асосан Зарафшон воҳаси ҳудудида кон қидирув ишларини олиб боради. Ўтган 2000 йилда экспедиция 18 та лойиҳа асосида иш олиб борди. Бу лойиҳалар бўйича ишлар асосан Олтинқозган, Сармич ва Қорақўтон маъдан заҳираларини ўрганишга қаратилган.

Қазилмалар ер остида ҳар хил чуқурликда миллион-миллион йиллар давомида қолиб кетиши мумкин. Уларни аниқлаб, ўрганиб ва халқ манфаати йўлида фойдаланиш учун катта илмий салоҳият керак. Экспедициялар ўз имкониятлари даражасида ана шу улуғвор мақсадга йўналтирилган. Бундай экспедициялар янги кон заҳираларини аниқлаш билан бир қаторда қўшимча иш ўринлари ташкил этилишининг манбаи ҳамдир. Корхонамиз қошида мармар тошларни кесиш, оҳак ва алебастр пишириш цехлари ташкил этилган.

Авваллари геологияда ишлатиладиган техникалар, эҳтиёт қисмлар собиқ иттифоқнинг турли бурчакларидан келтирилар эди. Эндиликда «Самарқандгеология» корхонаси қошида ташкил этилган «Темирчи» марказлашган тузатиш устахонаси ускуналаримизни қайта таъмирлаб бермоқда. Шу жойнинг ўзида «Дониёр» фирмаси ташкил этилиб, бурғулаш ускуналари учун энг зарур бўлган олмосли коронкаларни қайта эритиб ишлаб чиқармоқда. Ваҳоланки, бу коронкалар илгари Россиядан валюта ҳисобига келтирилар эди.

Геология кўпчилик ўйлаганидек енгил соҳа эмас. У асосан амалиётга таяниб, соҳа кишисидан катта матонат ва узлуксиз меҳнат талаб этади. Бу касбнинг қанчалик машаққатли эканлигини шу соҳада ишлаётган кишиларгина тасаввур қилиши мумкин. Айни пайтда корхонамизда етук ва малакали кадрлар масаласига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Корхонанинг «Янги техникалар тажриба методикаси» бўлими бошлиғи Фазлихон Магдиев, касаба уюшма раиси Галина Троцюк каби фидойи, ўз касбини дилдан севадиган ходимларимиз ўзларининг ибратли фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Ходимларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш, уларни рағбатлантириш ҳам доимий эътиборда бўлиб, ойлик иш ҳақини ўз вақтида бериб боришга эришилмоқда. Навоий шаҳри яқинида жойлашган ёрдамчи хўжалигимиздан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз.

Мустақиллик даври инсон тушунчасини олий қадрият даражасига кўтарди. Озод ва обод Ватан, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида иштирок этаётганимиз ва илғорлар сафида бораётганимиз билан фахрланамиз. Бизга кенг имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимиз ва шу юртнинг ҳақиқий эгаси бўлган заҳматкаш халққа камарбастамиз.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Шуҳрат ОРИФ ёзиб олди.**

ЁШЛАР ҲАРАКАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Ўзбекистон янги тарихи маркази ташаббуси билан Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ёшлар ҳаракати: ғоя ва тарихий жараён, унинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида давра суҳбати бўлди.

Суҳбатда Ўзбекистон янги тарихи маркази директори Анатолий Сагдуллаев, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Гулнора Бобожонованинг чиқишлари, академия ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири Муқимжон Қирғизбоевнинг «Мустақиллик йиллари даврида Ўзбекистонда ёшлар ҳаракати» маърузаси иштирокчиларга маъқул бўлди.

Ёшлар ўз навбатида маърузалар юзасидан мунозарага киришиб, ўз фикрларини билдиришди. Саволларга тўлиқ жавоблар олинди.

■ **Гулруҳ АСҚАРОВА**

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ – ИСРОИЛ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«ОСИЁ-ВЕСТ»
GTO WEST

Ўзбекистон халқини бутун мусулмон уммати нишонлаётган

ҚУРБОН ҲАЙИТИ

байрами билан қизғин ва самимий муборакбод этади. Маълумки, Қурбон ҳайити инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат ва мурувват уруғларини сочишга хизмат қилади. Юртимизда ҳамиша тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Барча юртдошларимизга омад, шодлик, хотиржамлик ва фаровонлик доимий ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз!

BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҲАМДА БАРЧА МЎМИН-МУСУЛМОНЛАРНИ МУБОРАК АЙЁМ –

ҚУРБОН ҲАЙИТИ

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Муборак ҳайит кунларида юртингизга тинчлик-хотиржамлик, маъмурчилик ва равнақ тилаймиз

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!

BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ

Ҳурматли ЮРТДОШЛАР!

СИЗЛАРНИ ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ АҲЛИ МУҚАДДАС ҚУРБОН ҲАЙИТИ ВА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади, ҳаммаларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, осойишталик, оилаларингизга файз-барака тилайди. Мустақил мамлакатимиз бўйлаб эълон қилинган «Оналар ва болалар йили» сермазмун, мароқли ва хушвақт ўтсин. Ўтган азизларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин, руҳлари ҳамиша шод бўлсин.

Марказий кенгаш ҳайъати

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИ – МЕҲМОНИМИЗ

Ҳар бир нашрнинг ўз ўрни, ўз ўқувчиси бор. Аммо, ҳар қандай нашрнинг мавқеи савия ва теран фикрлар билан белгиланади. Шунга қараб ўша нашрнинг ўқувчилари ҳақида ҳам бирор хулосага келиш мумкин. «Тафаккур» — ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли безакли журнал. Миллат маънавияти, келажак қисматига дахлдорлик билан ёндашилган илдизи бақувват мақолалар, илмий-фалсафий қарашларни тушунарли ва оммабоп қилиб чоп этиш жуда мушкул иш. Ушбу журнал ҳар бир сонида ўқувчи учун муҳим янгиликлар, қолаверса, фикрлашга ундагувчи мақолалар бериб борадики, чин маънода «Тафаккур»ни зиё нурига ғарқ нашр деб аташ мумкин.



«ТАФАККУР»НИ САҲИФАЛАГАНДА

Эркин АЪЗАМ, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, ёзувчи

БУЮК УМИДЛАР ПАЛЛАСИ

Бугун инсоният буюк ҳаяжон қуршовида. Бобо тарих учинчи минг йиллик саҳифасини очди. Бу — аслида одам боласи бармоқ букиб санашни ўрганганидан буён ўтган неча-неча минг йилликлардан биригина, холос. Лекин мелодий ҳисобда жумлаи жаҳонда эътироф этилган сана бу. Демак, саҳих, инобатли сана.

Бийрон соқий тантанавор алёр айтади: «Биз дунёда энг бахтли инсонлармиз! Биз янги аср одами бўлдик! Икки аср, икки минг йиллик белбоғида яшамоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...»

Дарҳақиқат, тарихнинг мана шундай авж палласини кўрмоқ ва икки аср, икки минг йиллик насибасини татимоқ, аввало, тақдири азалнинг ҳукми, ёруғ пешонамиздаги қутлуғ битикдир. Бундай буюк саодат сизу бизга насиб этганининг ўзи илоҳий сийлов эмасми, азиз замондош!

Иқбол МИРЗО, шоир

НАВОИЙ –ИККИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК ДАҲОСИ

Кейинги йилларда буюк аждодлар номи билан ортиқча фахрланиш кучайиб кетди. «Фалончи»нинг ким эканини билса-билмаса, ўша улуғ зотнинг авлодиман, деб кўкрак керадиганлар беҳисоб. Лекин ўша даҳолар ҳаёти ёки ижодини биладиган, тушунадиган, ҳис қиладиган одам кам топилади.

Халқ ҳазрат Навоий ижодидан беҳад узоқлашиб қолган. Бизнинг у зот ҳақидаги тушунчаларимиз жуда саёз, юзаки ва китобий десам янглишмайман. Бу улуғликни идрок этиш учун «Чор девон» ёки «Хамса» варақлаб кўрилса, кифоя.

Саидмурод МАМАШОКИРОВ, файласуф олим

ИНСОН, МАЪНАВИЯТ, ЗИДДИЯТ

... Келинг, инсон маънавияти зиддиятларини кўрсатувчи хаёлий бир социологик тажриба ўтказайлик. Яъни, жаҳон аҳолисини миллати, ирқи, тили, диний эътиқоди, жинси, ёши, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан, қўйингки, барча фарқларидан қатъи назар, бир сафга тизиб, ҳар бирида ўзи тушунадиган тилда: «Сен оилангни, ватанингни ҳонавайрон қиладиган, ўзинг, фарзандларинг ва қариндошларингнинг ҳаётига зомин бўладиган урушни хоҳлайсанми?» деб сўраб кўрайлик. Ишончим комилки, улардан бирортаси ҳам «хоҳлайман», деб жавоб бермайди. Лекин, шундай бўлса-да, ер юзида бирор кун йўққи, урушлар туфайли инсон қони тўкилмаган бўлсин.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ЎТИНЧ

Дунёда минг йиллик харобалар кўп,
Урушлардан ёдгор, селлардан ёдгор.
Мозорлар қалашиб ётибди тўп-тўп,
Аслида улар ҳам чўнг харобазор.

Вужудимни тешар йиллар шамоли,
Юрак тилка-тилка турфа озордан.
Болам, хабар олгин, тутмай заволи,
Шоир деб аталган харобазордан.

Ботир ҚОДИРОВ, руҳиятшунос

БУНЁДКОРЛАР АВЛОДИ

...Беш-олти йилдан буён қўлланаётган тестлар боланинг билим даражаси, муайян фанни қай даражада ўзлаштиргани ва ҳатто унинг муайян психологик хусусиятлари, масалан, хотирасининг кучли ёки заиф эканини аниқлаб бериши мумкиндир, бироқ бу усул инъом этилган ақлий имконият, иқтидор ва қобилиятни аниқлай олишига шубҳам бор. Руҳиятшунос сифатида бир нарсага имоним комил: бугун ўн минг-йигирма минг тест саволларинигина ёдлаб олган ўқувчи-талабани чинакамига иқтидорли деб бўлмайди. Менимча, умуман, билим ёки билимлар мажмуаси юксак ақлзаковат, иқтидор белгиси эмас. Негаки, билим деганингиз нисбий ва қадрсизланишга мойил бўлади. Дарвоқе, олий ўқув юртига кирган талабалар тегишли фанлардан қайта имтиҳон қилинганда уларнинг аксарияти паст баҳо олаётгани ҳам шундан далолат эмасми?

Инсон бугун барча кашфиётларнинг бошида турибди. У яратган турли хил техника воситалари, қурол-яроғлар, портловчи моддалар — бари-бари қачонки инсон боласининг тафаккурида эзгуликка мойиллик шаклансагина бахт-саодат учун хизмат қилади. Фикри инсонийлик булоқлари нуридан равшан тортган одамзод бугун ер юзида ёруғ кунлар ичра яшаши мумкин. Қисқа қилиб айтганда, тарозининг бир палласида тафаккур чироғи, бир палласида эса одамзод яратган қурол-яроғлар. Ақл-идрок билан XXI аср одами ўз келажагини асраб қолиши мумкин.

«Тафаккур»ни мутолаа қилган ўқувчилар доимо инсоннинг шуури фақат эзгулик билан равшан тортмоғи керак, деган хулосага келаверадилар.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЭҲ, ЭРКАКЛАР, ЭРКАКЛАР

Франциядаги жамоатчилик фикрини ўрганиш институти томонидан 22 мамлакатда ўтказилган сўров кутилмаган натижани берди. Маълум бўлишича, аёлларга қараганда эркаклар кўпроқ хаёлотга берилар, ўз орзусини тушида кўпроқ кўрар экан. Айниқса, улар нотаниш аёлларни тез-тез туш кўриб тураркан. Аёлларнинг эса атиги 16 фоизи шундай туш кўраркан.

Сўровдан маълум бўлишича, ишқий саргузаштларни туш кўришда аргентиналик ва хитойликларнинг олдига тушадигани йўқ экан. Энг жиддий халқ эса Нидерландия ва Япония фуқаролари бўлиб чиқди.

АВТОМОБИЛДА — «ҚОРА ҚУТИ»

Самолётларда «қора қути» борлиги кўпчиликка маълум. Энди швейцарияликлар автомобилга ҳам «қора қути» ўрнатиш ҳақида ўйламоқда. Гап шундаки, сўнгги пайтлари Швейцария кўчаларида тиғизлик боис тез-тез ҳалокатлар содир бўлмоқда. Бундай пайтда ҳақиқий айбдорни аниқлаш мушкул. Агар автомобилга «қора қути» жойлаштирилса, у ҳайдовчи машинани қандай бошқараётганини ёзиб боради. Йўл назоратчилари автомобилни тўхтатганда можаро келиб чиқса, «қора қути» ким ҳақлигини аниқлаб беради.

«SHIFOKOR - NON»

очиқ акциядорлик жамияти

ўз акциядорларига 2001 йил 30 март соат 10.00 да жамиятнинг 2000 йил якунларига бағишланган УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ (Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Т. Каримов кўчаси, 11-уйда) ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2000 йилдаги бажарилган ишлар ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. 2001 йил режалари.
5. 2000 йилдаги фойдани тақсимлаш.
6. Турли масалалар.

Акциядорлар ўзлари билан паспорт ва сертификатни олиб келишлари, вакил қилинганлар эса ишонч қоғози ва паспортни тақдим этишлари шарт.

Умумий йиғилишга тайёрланган материаллар билан танишиш учун 46-17-70 рақамли телефон орқали қўнғироқ қилиш ва Собир Раҳимов тумани Т. Каримов кўчаси, 11-уйга мурожаат қилиши мумкин.

«SHIFOKOR — NON»
очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил 1 январь ҳолатига

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ
(минг сўм ҳисобида)

	Номланиши	Актив	Номланиши	Пассив
1	Асосий воситалар	60711	Низом жамғармаси	51980
2	Эскириши	20733	Тақсимланмаган фойда	17306
3	Қолдиқ қиймат	39978	Мақсадли тушум	5230
4	Номоддий активлар	35583	Узоқ муддатли қарзлар	26133
5	Эскириши	1216	Харидор ва буюртмалардан олинган бўнақлар	1804
6	Қолдиқ қиймати	34367	Бюджет бўйича қарзлар	98
7	Ишлаб чиқариш заҳиралари	7538	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	386
8	Олиб сотиладиган товарлар	194	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	10
9	Пул маблағлари	1328	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	258
10	Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	747	Шўъба корхоналарига қарзлар	1276
11	Бюджет билан ҳисоблашишлар	6346	Бошқа кредиторлар	522
12	Ходимлар билан ҳисоблашишлар	7505		
13	Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	5943		
14	Бошқа дебиторлар	1057		
	Баланс	105003	Баланс	105003

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 11-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

| | | |